# ЮКСАК МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ АКАДЕМИЯСИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

Бу ишда ҳам бошқа мамлакатлар тажрибасига суянишимиз лозим бўлади. Чунки биз ҳозирча бу даражадаги мутахассисларни ўқитиш учун ўз ўқув қўлланмаларимизни, ўз ўқув дастурларимизни яратиб улгурганимиз йўқ. Шунинг учун бу ерда биринчи навбатда бошқарув ходимларини тайёрлайдиган йирик хорижий марказларнинг тажрибаси, дастурлари ишга солиниши даркор. Бу ўринда анчадан буён махсус курслар, марказлар, махсус ўқитиш модулларининг кенг тармоғига эга бўлган Франция, Германия, АҚШ мамлакатлари тажрибасини эслаш кифоя.

Бундан ташқари, Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Европа Иттифоқи комиссияси каби халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотларнинг институтлари нафақат ўз мутахассисларини, балки собиқ социалистик мамлакатлар учун ҳам ходимларни қайта тайёрлаш бўйича бой тажрибага эга.

Академия — бу оддий ўқув юрти, кадрлар, ҳаттоки раҳбар кадрлар тайёрлайдиган билим даргоҳигина эмас. У янги **тафаккур шаклланадиган, ўзимиз тўплаган ва бошқа мамлакатларда тўпланган илғор тажриба ўрганиладиган, таҳлил қилинадиган ва таҳсил бериладиган марказ бўлиб қолиши керак.**

Худди шулар янги ўқув дастурлари ва қўлланмаларини яратишда асос бўлиши лозим. Улар академиянинг шаклланиш жараёнида вужудга келади.

Мен юқорида таъкидлаганимдек, академиянинг моҳияти унинг номида мужассамлашган. Унда ҳаммаси акс этган: **у бизнинг давлатчилигимиз, фуқаро жамияти қурилишида, сиёсий, иқтисодий тизимларнинг ислоҳ қилинишида, биз олдимизга қўйган мақсадларга эришишда тарихий, ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиши керак.**

Худди шу сабабли академиянинг низоми, унинг ташкилий, таркибий, ўқув дастури, энг муҳими, кадрлар билан тўлдириш қоидалари, ўқитувчилар ва тингловчиларни танлаш тизими уни ташкил этишдан кўзда тутилган мақсад ва мўлжаллардан келиб чиқиши зарур.

Бу борада жамиятимиз ва иқтисодиётимизни ислоҳ қилишдаги мавжуд муаммоларга ва олдимизга қўяётган асосий вазифаларга яна бир бор тўхталиш мутлақо ўринли бўлади.

Биринчидан, бугунги кунда шу нарса мутлақо равшан бўлмоқдаки, инфляцияни бартараф этиш мамлакатда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда биринчи даражали аҳамиятга эгадир. Ҳозирги вақтда бу — асосий муаммодир.

Инфляция даражасини тубдан пасайтирмасдан, инфляцияни кутиш кайфиятини йўқотмасдан туриб иқтисодий таназзулдаги барча нуқсонларни енгиш, иқтисодиётни барқарорлаштириш, корхоналарнинг ишлаб чиқариш ва сармоя жалб этиш борасидаги фаоллигини кўтариш, аҳолининг реал даромадларини ошириш мумкин эмас.

Ушбу йўналишда биз анчагина ишлар қилдик. Республиканинг банк ва молиявий тизими жиддий ўзгармоқда. Тижорат банкларининг яхлит тармоғи вужудга келди. Эмиссияга қарши тартибга солиш бўйича кучли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши нархларни янада эркинлаштиришда инфляция даражасини бирмунча қисқартириш имконини берди.

Агар йил бошида инфляция 16 фоиздан ошган бўлса, ҳозирги вақтда у ойига 1 фоиздан сал кўпроқни ташкил қилади.

Бироқ бу кўрсаткич ғоят кескин, муҳим иқтисодий муаммони ҳал этишдаги дастлабки қадамлардир. Бугунги кунда ишлаб чиқилаётган макроиқтисодий мўлжаллар шунга асос берадики, келгуси йилда инфляциянинг ўртача ойлик даражасини тахминан уч баравар қисқартириш мумкин бўлади.

Иккинчидан, давлат мулкини хусусийлаштириш ва мулкдорларнинг ҳақиқий синфини шакллантириш бўйича бошлаган ишимизни охиригача етказишимиз керак.

Хусусийлаштириш масалаларида биз сифат жиҳатидан янги босқичга қадам қўйдик. «Кичик хусусийлаштириш»ни, яъни маҳаллий саноат, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳалари корхоналарини давлат тасарруфидан чиқаришни амалга ошира бориб, биз муайян тажриба орттирдик, мутахассислар тайёрладик.

Булар бугунги кундаёқ сезиларли натижаларга олиб келди. Ҳозир миллий даромаднинг ярмидан кўпроғини, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, савдонинг деярли бутун ҳажмини давлатга қарашли бўлмаган сектор бермоқда. Мазкур сектор узлуксиз ривожланмоқда.

Давлат корхоналарини кенг кўламда акциялаштириш орқали хусусийлаштириш жараёнини тугаллаш яқин келгусидаги муҳим вазифадир. Бу эса, ўз навбатида, Фонд биржасини, қимматли қоғозлар биржаларини кенг ривожлантириш ва эркинлаштиришни, уларни нафақат Ўзбекистонда, балки ундан ташқарида ҳам очишни ва ҳар томонлама тарғиб қилишни тақозо этади.

Ишлаб чиқаришни акциялаштириш, очиқ турдаги акционерлик жамиятларини ташкил этиш аҳолининг барча қатламларини ушбу жараёнга фаол жалб қилиш учун кенг имкониятлар очади.

Мулкдорларнинг ҳақиқий синфини шакллантириш реал ҳақиқатга айланади.

**Хусусийлаштириш жараёнини номигагина ўтказиш бизнинг иқтисодий сиёсатимизга зиддир. Бундан кўзланган асосий мақсад — бутун мол-мулкни уларнинг ҳақиқий эгалари қўлига беришдир.**

Мулкчилик муносабатлари масалаларида яқин вақтлар ичида қатъий ўзгаришлар амалга оширилиши керак. Мулк ўзининг ҳақиқий эгаси қўлига ўтишига эришиш зарур. Фақат ана шундагина унинг эгаси ушбу мулкни сақлаш ва кўпайтириш учун курашади.

Мулкнинг мулкдорга том маънода хизмат қилишига, унинг мулк эгасига, бутун мамлакатга фойда келтириб, ҳар бир фуқаронинг фаровонлигига хизмат қилишига эришиш зарур.

**Ана шундагина пайдо бўлаётган мулкдорлар синфи ўз мамлакатининг иқтисодиётини мустаҳкамлашдан чинакам манфаатдор бўлади, ижтимоий тузумни мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилиш, ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш учун барча ишларни қилади.**

Иқтисодиётни ислоҳ қилиш жараёнларини ва йўналишларини диққат билан кузатиб бораётган киши, шак-шубҳасиз, кичик ва хусусий тадбиркорлик йўлида очилаётган улкан имкониятларни, берилаётган катта эътиборни кўриб турибди.

Бугунги кунда парламент — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қабул қилаётган барча қонунлар, Президент чиқараётган Фармонлар ва ҳукумат қарорлари, амалга оширилаётган ишларимиз мамлакатда ушбу соҳани жадал ривожлантиришга қаратилгандир.

Ушбу тадбирлар натижасида пайдо бўлган ўрта ва хусусий тадбиркорлар тоифаси яқин келажакда давлатимизнинг ишончли ва мустаҳкам таянчи бўлади, деб умид қиламиз. Бу таянч қуйидагиларни таъминлайди:

— ички бозорни товарлар билан тўлдириш;

— хорижий сармоя ва энг янги технологияларни жалб этиш;

— аҳолининг, биринчи навбатда, ишлаб чиқарувчиларнинг даромадларини кўпайтириш ва пировард натижада республика аҳолиси аксарият қатламининг турмуш даражасини кўтариш;

ишончим комилки, кичик ишлаб чиқариш ва хусусий бизнеснинг тадбиркорлиги ва изланувчанлиги билан биз жаҳон бозорини рақобатбардошли маҳсулотлар билан таъминлай оламиз. Бизнинг фикримизча, энг муҳими, атрофимизда муҳим ўзгаришлар юз бермоқда — ўзига ишончли, келажакка ишонадиган, мустаҳкам, барча илғор янгиликларни қўллаб-қувватлашга тайёр ижтимоий қатлам — мулкдорлар қатлами ўсмоқда.

Худди шу сабабли биз қонунчилик ва амалий ижрочилик фаолиятимизда тадбиркорларнинг ана шундай тоифасини ривожлантириш учун зарур бўладиган энг имтиёзли шарт-шароитларни яратамиз.

Учинчидан, **миллий валютани мустаҳкамлаш** ҳозирги даврдаги ва яқин истиқболдаги энг муҳим устувор вазифадир. Миллий валютанинг жорий қилиниши билан ҳаётимизда сифат жиҳатидан янги босқич бошланди. Миллий валюта, бу — мустақиллик рамзидир. Бизнинг муқаддас бурчимиз эса — ўз валютамизни кучли, бутун жаҳонда ҳурмат этиладиган ва бизнесменлар учун жозибадор валюта қилишдир.

Бугунги кундаёқ бизнинг сўмимизни жорий конвертациялаш таъминланмоқда. У етарли даражада барқарордир. Биз келгуси йилдаёқ уни қатъий валютага эркин алмаштирилишини таъминлашга реал яқинлашдик.



*СУРАТДА: академиянинг очилиш пайти.* *А. Тўраев олган сурат.*

Тўртинчидан, чуқур таркибий ўзгартиришлар қилмасдан, биз ўнлаб йиллар мобайнида тўпланиб қолган иқтисодий муаммоларни ҳал эта олмаймиз, номутаносибликларни бартараф қилолмаймиз.

**Фаол таркибий сиёсат — бу стратегик вазифадир.** У кўплаб инвестицияларни талаб этибгина қолмай, балки келгусида республикамиз иқтисодиёти қандай бўлиши, биз жаҳон бозорига қандай салоҳият билан чиқишимиз тўғрисидаги аниқ тасаввурга эга бўлишни ҳам талаб қилади.

Бу узоқ вақт талаб қиладиган вазифадир, бироқ уни ҳал этишга бугунги кундаёқ киришиш зарур.

Айнан ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш муаммоси энг долзарб бўлиб турибди. Биз умумиттифоқ меҳнат тақсимотининг салбий оқибатларидан, бошқа постсоциалистик мамлакатларга хомашё ва технологик жиҳатдан боғлиқ бўлишдан мумкин қадар тезроқ халос бўлишимиз зарур.

Бунинг учун бизда тегишли барча табиий, минерал хомашё, иқтисодий ва энг муҳими — интеллектуал салоҳият мавжуд.

Биз бу соҳада ҳам қисқа муддат ичида салмоқли натижаларга эришдик. Ўз олдимизга қийин, бироқ мамлакат тақдири учун муҳим вазифа — энергетика ва ғалла мустақиллигига эришиш масаласини қўйиб, ҳозир бу муаммони ҳал этиш арафасида турибмиз.

Тузилма ўзгаришлари, импорт маҳсулотларининг ўрнини босадиган ишлаб чиқаришни кенгайтириш туфайли республиканинг айрим ресурсларни четдан олиб келишга бўлган эҳтиёжи ҳам сезиларли даражада камайди.

Биз иқтисодиётимизни таркибий жиҳатдан тубдан ўзгартиришга эндигина киришмоқдамиз. Биз ишлаб чиқариш тузилмасини бутунлай қайта кўриб чиқишимиз лозим. Рақобатга бардошли, жаҳон бозорига мўлжалланган тайёр маҳсулот, техник жиҳатдан мураккаб, илм-фан ютуқлари асосида ишланган маҳсулотлар, харидоргир кенг истеъмол моллари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш устивор вазифалардан ҳисобланади.

Азиз дўстлар!

Биз яхши англаб олишимиз керакки, **ички сармояларни сафарбар қилиш ва хорижий сармояларни кенг жалб этиш** билангина туб тузилма ўзгаришларига эришиш мумкин.

Бунинг учун биз мақбул ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитни яратиб қўйганмиз. Йилдан-йилга хорижий сармоядорларнинг Ўзбекистонга қизиқиши ортиб бораётгани қувончли ҳолдир. Ҳозирнинг ўзидаёқ хорижий капитал иштирокида автомобил, рангли металлар, нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича йирик корхоналар бунёд қилинмоқда, коммуникация ва алоқа тизимлари қайта қурилмоқда ва янгидан барпо этилмоқда.

Бу маблағлар иқтисодиётимиз тузилмасида ижобий ўзгаришлар юз беришига кўмаклашади. Эришилган ижтимоий-сиёсий барқарорликни, иқтисодий ислоҳотларнинг муваффақиятли амалга оширилаётгани ҳамда республикамизнинг келажагини юксак баҳолаган хорижий сармоядорлар ва сармоя ажратадиган давлатлар ҳозирнинг ўзидаёқ иқтисодиётимизга ҳар йили тахминан бир ярим миллиард доллардан ортиқ сармоя сарфлаш истагини билдиришмоқда.

Бизнинг вазифамиз — иқтисодиётимизга қўшилган ҳар бир сўм ёки доллар сезиларли даражада рақобатга бардошли маҳсулот ва моддий неъматга айланишига эришишдан иборат.

Яна бир муаммо, кишилар тафаккурини ўзгартириш, эски қолиплар, энг аввало, боқимандалик кайфиятларидан қутулиш зарур. Жамиятга янгича фикрлай олишга қодир кишилар керак. Биринчи навбатда, ўз иродамизга таяниб, қобилиятимиз ва ишбилармонлигимизга суяниб, ўз куч ва имкониятларимизни тўғри тақсимлаб янги ҳаёт қуришимиз, ҳақиқий келажак учун курашишимиз лозим.

Бугунги кунда гўзал мамлакатимизда маънавий кўтаринкилик кўзга ташланмоқда, жамиятда бунёдкорлик руҳи ҳукм сурмоқдаки, уни ҳар томонлама мустаҳкамлаш зарур.

Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлидаги энг катта масала, кишиларимиз дунёқарашида, жамиятимизда ватанга меҳр ғояси биринчи ўринда туриши керак. Ҳар қандай иш асосига миллий орият, миллий ғурур, миллатчилик ёки шовинизмга алоқаси бўлмаган, мана шу мамлакат, мана шу халққа мансублиги учун куч-қувват бағишлайдиган ғурур қўйилиши лозим.

Бу муқаддас тушунчалар миллати ва диний эътиқодидан қатъий назар, мана шу юрт, мана шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир кишининг ҳаёти, онги, қони ва жисмига сингиб кетиши керак.

Ўтмишимиз ва келажагимиз бағишлайдиган мана шу ифтихор туйғуси билан биз янги авлодларни тарбия қилишимиз, ўз миллий давлатимизни қуришимиз лозим.

Давлат қурилиши ҳақида гапирар эканмиз, биз босиб ўтилган йўлни, ҳамма нарса ягона мафкура тазйиқида қотиб қолган догмалар, штамплар ва қолипларга бўйсундирилган собиқ маъмурий-буйруқбозлик тизимини тугатиш юзасидан қилинган ва қилинадиган ишларни танқидий кўз билан кўриб чиқишимиз лозим.

Бу борада ҳозиргача кўпгина иш қилинди, бироқ биз янги давлат ва жамият тузилмаларини шакллантиришда, кўппартиявийликни йўлга қўйишда, сиёсий, ижтимоий ва маънавий тикланишни амалга оширишда, савияни юксалтириш масалаларида, айтиш керакки, ахборот фаоллигини қотиб қолган ҳолатдан чиқариш борасида қилган ишларимиз бу соҳадаги биринчи қадамлардир.

Буни очиқ тан олиш лозим. Бу ўринда социалистик тоталитар тизимдан эркин бозор иқтисодиётига, давлат тузилмаларини демократиялаштиришга ўтиш моделининг ўзини тўла оқлаган тажрибаси амалда мавжуд эмаслигини ҳам қайд этиш адолатдан бўлур эди.

Ҳурматли дўстлар!

Амалга оширилган муайян ишларимизни баҳолаб, олдимизда турган улкан вазифалар хусусида гапирар эканман, ўтказаётган ислоҳотларимиз йўлининг муҳим бир хусусиятига тўхталмоқчиман.

Биз бошданоқ ислоҳотларнинг машҳур моделларидан нусха олишдан воз кечдик. Ўзимизнинг йўлимизни танладик, ислоҳотлар жараёнига асос бўлиши лозим бўлган тамойилларни аниқ белгилаб олдик.

Тўғрисини айтиш керак, бизнинг ислоҳотлар қайси йўналишда бориши лозимлиги масаласига ёндашувимиз ва нуқтаи назаримиз дастлаб хорижда унча хушлангани йўқ. Дастлабки уч йил давомида бизни консерваторликка мойилликда айблаб, бизга иш юритишни ўргатиш ва ҳатто ишимизга тузатиш киритиш майллари ҳам кўриниб турди. Бироқ, ҳаёт ҳамма нарсани жой-жойига қўйди. Бугунги кунда охир-оқибатда ким ҳақ бўлиб чиққани, қайси модел самарали ва прогрессивроқ эканига амин бўлиш имкони бор.

Мисол учун оладиган бўлсак, собиқ социалистик макондаги бошқа мамлакатларда ҳақиқий ҳаёт ва шаклланган турмуш тарзини ҳисобга олмасдан, ўзгаларнинг тавсиясига кўр-кўрона эргашиш нималарга олиб келганини ҳамма кўриб турибди.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидаги **«Фалаж қилиб даволаш»** билан боғлиқ барча уринишлар давлат бошқаруви таъсири сезилмаслиги, шу билан бирга, бозор иқтисодиётини амалга оширадиган зарур ташкилотлар, яъни бозор инфраструктураси ташкил бўлмаганлиги кўп жиҳатдан салбий натижаларга олиб келиб, бир қанча мамлакатлар учун ҳалокатли оқибатга ҳам айланди. Ислоҳотларни бошлаш пайтида кўпчилик эски нарсаларни тезда бузиб ташлаш, бозор муносабатларига шошилинч равишда ўтиш кишини бир зумда бой қилиб юборади, муносиб ҳаёт кечириш имкониятини яратади, деб ўйлаганлар ҳам оз эмасди.

Бироқ, зарур шарт-шароитнинг мавжуд эмаслиги, бир сўз билан айтсак, ҳаёт ҳақиқатини рад этиш бу каби хомхаёлларнинг рўёбга чиқишига йўл қўймади.

Бошқа мамлакатларнинг аччиқ тажрибаси шуни кўрсатадики, ўтиш даврида дадил чора-тадбирлар билан бозор тузилмаларини ривожлантиришда кўмаклашишга қодир **фаол ислоҳотчи — давлат** зарур экан.

Ҳаётнинг ўзи шуни тасдиқладики, бозорни қўллаб-қувватловчи механизм ва тузилмаларни барпо қилмасдан туриб, тегишли шароит туғдирмасдан туриб, режали иқтисодиётдан бозор тизимига ўтишни амалга ошириб бўлмайди.

**Бу вазифаларни ҳал этиш учун эса кучли, қудратли давлат, юксак малакали, ахлоқан баркамол ходимлар керак. Биз оддий ҳақиқатни тушуниб етишимиз керак: бизнинг давлатимиз, жамиятимизни биров четдан келиб қуриб бермайди. Уни ҳаёти ўз ватанининг келажаги билан узвий боғлиқ бўлган биз ўзимиз, шу мамлакат фарзандлари бунёд этамиз.** Бу эскича фикрлаш юкидан холи бўлган янги ходимлар тайёрлашнинг ягона тизимини яратишни тақозо этади. Таълим беришнинг, маънавий, аҳлоқий ва касб малакаси бўйича тарбиялаш мутлақо янги тизим ишлаб чиқариш зарур. Сифат жиҳатидан бутунлай янги ўқув дастурлари яратилиши даркор.

Биз яхши биламизки, бугунги талабларга бутунлай жавоб берадиган, олдиндан тайёрлаб қўйилган мутахассислар ва раҳбарлар йўқ. Ҳаммамиз ҳам ўтган замондан, ўтган тизимдан чиққанимизни тан олишимиз керак. Ва бизнинг қонимизда эскича қолип, эскича фикрлашнинг муайян асоратлари борлигига ҳам иқрор бўлишимиз шарт.

Шу билан бирга, яхши англаймизки, янгича фикрловчи кишиларни тайёрламасдан, тарбия қилмасдан ўз олдимизга қўйган вазифа ва мақсадларни рўёбга чиқара олмаймиз.

Хўп, масала шундай қўйиладиган экан, табиий бир савол туғилади, яъни янги, замонавий мезонлар билан фикрловчи одамлар, ходимларни тарбиялаш учун, бу ишни давлат йўлига қўйиш борасида нималар қилдик?

Албатта, бизнинг олий ўқув юртларимиз, бошқа илм даргоҳлари давлат қурилишининг бу муҳим соҳасига ёндашувларни ўзгартириш бўйича кўп иш қилмоқда. Ҳаёт тажрибасининг ўзи ҳам бугунги талабни тушунадиган кўплаб раҳбар ва мутахассисларни тарбияламоқда. Бундай мисолларни кўп учратиш мумкин. Лекин, очиғини айтганда, ҳар хил қолиплардан холи, мутлақо янги давлат барпо этиш учун давлат ҳокимияти ва бошқарувини эплайдиган, ижтимоий тараққиётга ривож берадиган, уни мустаҳкамлайдиган мутахассислар ва фидойи одамларни тарбиялашга ҳануз киришганимиз йўқ.

Менинг фикримча, бугунги кунда бу соҳа — кадрлар тайёрлаш иши маблағ сарфлашда энг даромадли бўлган соҳага айланмоқда. Чунки, бу тармоқ эртага ҳар қандай давлатнинг, халқнинг, миллатнинг тараққиёти учун зарур бўлган олтин омил — етук мутахассисларни бера бошлайди.

Бу, албатта, алоҳида мавзу, лекин мен бу гапларни шунинг учун айтяпманки, Академия айнан ана шу масалаларни ҳал этиш мақсадида ташкил қилинмоқда.

Академия ташкил этиш, бу шунчаки орзу, мода ортидан қувиш, янги бир институт ташкил этишга интилиш эмас, балки табиий зарурат, қонуният тақозоси ва ҳаётий эҳтиёждир.

Биз ўтган йиллар давомида тўпланган тажриба ва билимлардан фойдаланиб, маълум маррага етиб келдик. Ислоҳотларни амалга ошириш борасидаги бундан буёнги олға силжишимиз тобора қийин муаммога бориб тақалиши мумкин: у ҳам бўлса — юксак малакали ходимларнинг, энг аввало, давлат ҳокимияти ва бошқаруви, жамоат идоралари, банк ва молия тизимини бошқарадиган даражадаги раҳбарларнинг етишмаслигидир.

Шуни яхши англашимиз керакки, энди пайпаслаб юриб олға силжиш мумкин эмас. **Янги билимларни эгалламасдан туриб, бундан буёғига ҳаракатлана олмаймиз.**

Академиянинг вазифаси фақатгина муайян нафар кадр тайёрлаб беришдангина иборат эмас, балки у ўзининг илмий, педагогик салоҳияти асосида бутун маориф тизимини ислоҳ қилиш учун янги муҳит, янги шароит яратиб бериши лозим.

Хорижда ўқиш учун қанча одам юбормайлик, хорижлик дўстларимиз кадр тайёрлашда қанчалик ёрдам бермасин, биз ўзимизнинг ўқув дастурларимиз ва аҳолини маънавий тарбиялаш дастурларини қайтадан кўриб чиқмас эканмиз, ҳеч нарсага эриша олмаймиз.

Вақт ўтиб бормоқда. Бизнинг ўрнимизни босадиган янги авлод етишиб чиқмоқда. Масаланинг моҳияти улар ҳаётга қандай билим, қандай интеллектуал ва маънавий бойлик, қандай замонавий билимлар билан кириб келишидадир.

Улар қайси ғояларни олға суради? Қандай маънавий қадриятларни афзал кўради? Ахир, гап биз мамлакат тақдирини ишониб топширадиган янги авлод ҳақида кетмоқда.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Академиянинг асосий вазифалари аниқ белгилаб қўйилган. Улар энг аввало қуйидагилардан иборатдир:

давлат, ижтимоий ва хўжалик тузилмалари ходимлари орасидан талантли, интеллектуал иқтидорли тингловчиларни танлаб олиш, уларнинг сиёсий, маънавий-ахлоқий ва малака даражасини ошириш, **уларни республикада миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги асосида қурилган ҳуқуқий демократик давлатни ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг эътиқодли тарафдорлари қилиб тарбиялаш.** Бу академиянинг асосий вазифасидир.

Шунингдек, академия олдига бошқа вазифалар ҳам қўйилганки, улар қуйидагилар билан боғлиқдир:

— раҳбар кадрлар ва мутахассисларни аттестациядан ўтказишнинг янги тизимини ишлаб чиқишда ва жорий этишда қатнашиш;

— давлат ва ижтимоий қурилишни, иқтисодий ривожланишни такомиллаштириш, психология ва социология соҳаларда илмий тадқиқотлар ўтказиш, шунингдек кадрлар сиёсатини такомиллаштириш учун тавсияномалар ишлаб чиқиш;

— кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш муассасалари фаолияти соҳалари бўйича концепциялар, дастурлар, лойиҳалар ва тавсияномаларни экспертизадан ўтказиш.

Шуни ҳам қайд этиш керакки, академияга кадрларимизни тайёрлашда қатнашиш учун хорижий мамлакатларнинг таниқли ўқув ва илмий марказларидан машҳур олимлар ва мутахассисларни жалб этиш ҳуқуқи берилган.

Ўқув жараёнида тингловчиларнинг ривожланган хорижий мамлакатларда тўпланган ижобий тажрибаларни, хорижий тилларни ўрганишга, Ўзбекистоннинг тарихий мероси ва миллий анъаналари соҳасидаги билимларни эгаллашига эътибор қаратилади.

Таълим беришда раҳбар кадрларни ҳар томонлама интеллектуал, маънавий ва профессионал ўстириш масалалари муҳим ўрин тутади.

Биз уларни етакчи хорижий ўқув ва илмий марказларда, халқаро ташкилотлар ва фирмаларда тажриба ўрганишларини ташкил этишни назарда тутганмиз.

Ўқишни муваффақиятли тамомлаганлар раҳбар ходимлар билан таъминлашга резерв бўлиб хизмат қилади.

Муҳтарам дўстлар!

Шунга ишончимиз комилки, бу борада кўп нарса академияда ишлайдиган, ўқитадиган ва унга раҳбарлик қиладиган мутасаддиларга боғлиқдир.

Бу борада ҳам бизда қўйилган талабларга жавоб берадиган тайёр кадрлар, профессор-ўқитувчилар таркиби йўқ. Буни биз тушунамиз.

Шу сабабли, ишонаманки, академиянинг мураккаб фаолияти давомида унинг ўқитувчилар таркиби мустаҳкамланиб ва куч-ғайратга тўлиб боради.

Бировни ўқитадиган, тарбия қиладиган инсон, аввало, ўзи ҳар жиҳатдан баркамол бўлмоғи шарт. Замон талаблари шуки, профессор ва ўқитувчилар ўзларида мавжуд билим ва савия билан чекланиб қолмасдан, хорижий мамлакатлар тажрибасини, биз энди бошлаган йўлни илгари босиб ўтган давлатлар тажрибасини қунт ва сабот билан ўрганиб, мағзини чақиб, ундан кейин ўз талабаларига сабоқ беришлари зарур. Буни амалга оширишда хорижий тилларни пухта эгаллаш керак.

Шу билан бирга, мен академия фаолиятига амалий ишда бой тажриба орттирган олимларимиз ва профессорларимиз, халқаро ва хорижий ваколатхоналар ва элчихоналар раҳбарлари жалб этилишини истардим.

Бугунги ҳаётимизни янгилаш ва ислоҳ қилиш борасидаги ҳар қандай қимматли ғоялар ва фикрлар соҳиблари билан учрашиш, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, нафақат академия тингловчилари учун, балки унинг ўқитувчилари учун ҳам бутун бир мактаб бўлиши муқаррар.

Бу борада мен сиз, хорижлик ҳамкасбларга ва дўстларга жуда катта умид билан қарайман. Биз хорижий меҳмонларга, Европа ва Америка олимлари ҳамда амалиётчиларига катта умид билдирамиз. Ўзбекистондаги ижтимоий ва давлат қурилишининг барча соҳалари бўйича ўзларининг қизиқарли ғоялари ва тавсияномаларини академия билан баҳам кўришни хоҳлаган Германия, АҚШ, Япония, Россия ва бошқа мамлакатлар билан ҳозирдаёқ келишувлар мавжудлиги бизни қувонтиради ва бу таклифларни миннатдорлик билан қабул қиламиз.

Ишончим комилки, академия аудиторияларидаги ўқитишнинг бундай тизими, олиб бориладиган эркин мулоқотлар ўзининг керакли самарасини ва натижаларини беради, албатта.

Муҳтарам дўстлар!

Биз яхши биламизки, турмушда ҳамма нарсанинг ўрнини ҳаётий зарурат белгилайди. Ҳаётий зарурат бўлмаса, маънавий эҳтиёж бўлмаса, бошланган ишлардан бирон бир самарали натижалар кутиш амримаҳол.

Бугунги кунда халқимиз асрий орзуларининг рўёбга чиқиши ва мустақил давлатчилик асосларини бунёд этиш учун кенг имкониятлар яратилди.

Ана шу имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда биз бой тарихий меросимиз, анъаналаримиз, ижтимоий қадриятлар, давлат қурилиши борасида ривожланган мамлакатлар эришган тажрибаларга таяниб миллий давлатчилигимиз пойдеворини қўйдик. Бозор иқтисодиётига асосланган адолатли жамият, кучли демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлидан босқичма-босқич илгари бормоқдамиз.

Мамлакатимиздаги барқарор тинчлик, миллатлар ўртасидаги тотувлик ва осойишталик, иқтисодий ислоҳотлар ўтказишдаги изчиллик бунинг ёрқин далилидир.

Эндиликда одамларимиз ижтимоий, иқтисодий, маданий ислоҳотлар борасида юргизаётган мустақил давлатчилик сиёсатимиз моҳиятини тобора теран англаб етмоқдалар. Қўлларини ва руҳий-маънавий интилишларини боғлаб турган кўзга кўринмас кишанлардан, мустабидлик асоратидан озод бўлмоқдалар.

Албатта, бу осон ва енгил кечадиган жараён эмас. Бинобарин, оёғи ердан узилган, хомхаёллардан озиқланган собиқ шўролар мафкураси яратган бу кишанларни парчалаб ташлаш, қуллик мафкурасидан халос бўлиш ҳар бир фуқародан мустаҳкам ирода, ўткир сиёсий онг, ватан ва халқ манфаати йўлида фидойилик талаб қилади.

Бугунги куннинг энг муҳим вазифаси — ҳаётимизнинг барча соҳаларида, айниқса бошқарувда, республика миқёсида, вилоят, шаҳар, туман, қишлоқ ва маҳаллаларни бошқаришда, тармоқ бўғинларини идора этишда янгича фикрлайдиган, қийин дамларда масъулиятни ўз зиммасига ола биладиган, ҳаёт билан ҳамқадам юришга қодир, имони пок, билимдон, ишбилармон одамларни топиш, уларга ишонч билдиришдан иборатдир.

Халқимизда «ўн кушчига бир бошчи», деган ибора бор. Бунинг маъноси шуки, халқимиз азал-азалдан ўз етакчиларига қаттиқ ишонган, ихлос қўйган.

Шу ўринда бугунги ҳаётимиздаги муайян бир номутаносибликни ҳам очиқ эътироф этишимиз керак. Бошқарувнинг қуйи қатламларида, айниқса, ишлаб чиқариш соҳасида янгиликка интилиш, янгиликни жорий этишга саъй-ҳаракатлар бор, лекин бу олижаноб майл ва ҳаракатлар ўрта ва юқори бўғинларда, хусусан, мамлакат вазирликлари ва идоралари даражасида ўтирган, тўрачиликни ўзларига касб этиб олган лоқайд, эскича фикрлайдиган, ўзини хон, кўланкасини майдон ҳисоблайдиган, янгиликка йўл бермайдиган ношуд кимсаларнинг қаршилигига дуч келмоқда. Бизнинг қатъий фикримиз шуки, бундай кишилар ё танқиддан зарур хулоса чиқариб, тез орада ўз фикр ва савияларини ўзгартирадилар, ёинки биз уларнинг бутунлай бахридан ўтамиз.

Шонли тарихимизда буюк давлатчиликка асос солган соҳибқирон Амир Темур ўз тузукларида: **«Тажрибамда кўрилганким, ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир. Чунки тажрибали бир киши минг кишига иш буюради»**, деб ёзган эди.

Азиз дўстлар! Халқимиз мустақил мамлакатимиз келажагига катта умид ва ишонч билан қарамоқда. Бу катта умид ва ишонч замирида бой тарихимиз, беқиёс маънавий меросимиз, адолатли жамият қуриш асослари, жонажон Ўзбекистонимизнинг Оллоҳ Таолло инъом этган табиий бойликлари, томирида улуғ аждодлар қони жўш ураётган ёш авлод салоҳияти мужассам.

Ана шундай эзгу орзу-ҳавасларимиз ижобат бўлишига давлат ва жамият қурилиши академияси ҳам муносиб ҳисса қўшади, дея ишонч билдиришга ижозат бергайсиз!

Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, ўқишларингизда омад, илмий-педагогик фаолиятларингизда янгидан-янги муваффақиятлар тилайман!

# Сиҳат-саломатлик

• Мақсад—жаҳон тажрибасини қўллаш
• Хасталар дардига малҳам
• Ҳаво ҳарорати пасайган кезда



**_Яқинда Мирзо Улуғбек туманида хусусий касалхона фаолият кўрсата бошлади. «Прокто сервис» деб номланган мазкур шифо масканида бавосил, колит ва тўғри ичак касалликларига чалинган беморлар даволанишади. Шунингдек аёлларда кўп учрайдиган мастит касаллигига дучор бўлган беморлар ҳам мурожаат қилишлари мумкин. Шифохона Америка Қўшма Штатлари ҳамда Англияда ишлаб чиқарилган замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланиб, ноёб дори-дармонлар билан таъминланган. Шу муносабат билан касалхонанинг бош шифокори Рустам Тўлагановга бир неча саволлар билан мурожаат қилдик._**

*Диққат, янгилик*

## ХУСУСИЙ КАСАЛХОНА ЭЛ ХИЗМАТИДА

**— Рустам Қаюмович, хусусий касалхона ташкил этиш фикри қандай пайдо бўлди ва нима учун «Прокто сервис» деб номланган?**

— Аввало «прокто»сўзи ҳақида. Прокто — проктология терминидан олинган. Сервис — дегани эса хизмат кўрсатиш деган маънони англатади. Проктология — тўғри ва йўғон ичак касалликларини ўрганувчи фан. Бу касаллик турларига бавосил, тўғри ичак оқмаси, ичак ёрилиши, тўғри ичак тушиши, ичак яралари ва ўсимталари, сурункали қабзият, ичакнинг туғма нотўғри ривожланиши ва бошқалар киради. Шундай хасталикка чалинган беморлар шарқона андиша деймизми, ноўрин уялиш — қимтинишми ёки қайси шифокорга мурожаат қилишни билмаганликлариданми, ҳар қалай шифокорларга жуда кеч мурожаат қиладилар. Ваҳоланки ўз вақтида, даво қанчалик эрта — яъни касалликнинг бошланиш даврида мурожаат этилса уни дори-дармон билан даволаш мумкин. Лекин касалликнинг сурункали шаклини даволаш учун шифокорга жарроҳлик усулини қўллашга тўғри келади. Шунинг учун ҳам бу касалликка чалинган беморларга алоҳида муомала, эътибор ва қулай шароит бўлиши талаб қилинади. Ўзим проктолог шифокор бўлганлигим туфайли бу касаллик билан боғлиқ бўлган муаммолар мени анчадан ўйлантирар ва ташвишга соларди. 15-шаҳар касалхонасидаги проктология бўлимининг ёпилиши дилимдаги режанинг амалга ошишига туртки бўлди.

**— Режани амалга ошириш осон бўлмагандир, бир томонда мутахассислар масаласини ҳал қилиш деганларидек...**

— Албатта, ҳар бир ишни амалга оширишда ўзига яраша қийинчиликлар бўлади. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги амалий ёрдамини айтиб ўтмоқчиман. «Стомосервис» шифохонасининг бош шифокори Улуғбек Холматовнинг ёрдами катта бўлди. Шунингдек, шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ёрдамини ҳам таъкидлаб ўтиш керак. Касалхонамизда 3 та проктолог шифокор ҳамда 15 та тиббий ҳамшира билан фаррош хизмат қилмоқда. Уларнинг кўпчилиги билан кўп йиллар давомида 15-шаҳар касалхонасининг проктология бўлимида бирга ишлаганмиз. Беморлар билан ишлаш, уларга тиббий ёрдам бериш ва уларнинг парвариши билан шуғулланиш учун етарли тажрибага эгалар.

**— Беморларни касалхонага қабул қилиш тартиби ҳақида тўхталсангиз.**

— Бизга нафақат Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи, балки республикамизнинг вилоят ва турли туманларидан проктологик хасталигига чалинган беморлар мурожаат қилишлари мумкин. Ҳар бир беморни мутахассис-проктолог текшириб, шу жумладан ректороманскопия қилгандан кейингина, касалликка ташхис қўйиб уни даволашни бошлайдилар. Шаҳримиздаги бошқа шифохоналарда ишлайдиган тажрибали мутахассислар билан шартнома тузганмиз. Керак пайтда уларнинг маслаҳати ҳамда иш тажрибасидан фойдаланамиз. Жарроҳлик йўли билан даволанадиган беморлар учун бир ва икки ўринли палаталар тайёрлаб қўйилган. То тузалиб касалхонадан чиққунига қадар тиббий ҳамшира ва санитаркалар бемор парвариши билан машғул бўладилар. Ҳар бир палатада телевизор ва телефонлар ўрнатилган. Беморларнинг истагига қараб даволаш ишлари овоза қилинмаслиги ҳам мумкин.

Шунингдек касалхонамизнинг моҳир жарроҳлари болаларнинг қўлини ҳалоллаш деганларидек суннат қилиш билан ҳам шуғулланадилар.

**— Фамилиянгиз ва отангизнинг исми менга тиббиёт соҳасида анча ишлар қилган бир одамни эслатяпти. Янглишмадимми?**

— Ҳа, тўғри топдингиз. Менинг отам ҳам шифокор бўлганлар. Бир пайтлар Ўзбекистон тиббиётига анча меҳнатлари сингган. Менинг шифокор бўлиб етишишимда отамнинг хизматлари катта бўлган. Уларнинг номларини пок сақлаш ҳамда ишларини давом эттириш орзуси зиммамга икки ҳисса масъулиятни юклайди. Асосий мақсадим мустақил республикамиз аҳолиси соғлиғини сақлаш йўлида элга хизмат қилиш. Шунингдек проктология соҳасида жаҳон тажрибаларини қўллаб, республикамиз тиббиётининг юксалишига муносиб ҳисса қўшиш.

Дония ЗОКИРОВА суҳбатлашди.

*СУРАТЛАРДА: бош шифокор Рустам Тўлаганов ва тиббий ҳамшира Дилфуза Османдиёрова бемор билан суҳбатлашмоқдалар; Яҳёхон Тошхўжаев тиббий ҳамширалар ёрдамида жарроҳлик жиҳозларини операцияга тайёрламоқда.*



Бир таниш онахонни кўргани касалхонага бордим. Ҳол-аҳвол сўрашгач, гап айланиб шифокорларга кўчди.

— Раҳмат дўхтирларга, — дедилар у киши. — Қанча одамларни ҳаётга қайтаришади. Мана, ҳозир мени даволаётган дўхтир ҳам бирам меҳрибон, бирам жонкуяр. Керак бўлса жонини ҳам бериб юборади-я... Исмлари Маъмурахон. Касал боласига онаизор қандай парвона бўлса, у ҳам шундай... Шу ердаги бошқа дўхтирлар ҳам касаллар бошида парвона.

Хуллас, онахон ўзларини даволаётган шифокорлар ҳақида бир олам илиқ гаплар айтдилар. Шу боис, дилимизда ана шу шифокорларни, биринчи навбатда Маъмурахон опани бир кўриш, улар билан яқиндан мулоқотда бўлиш нияти туғилди.

Ҳар бир касбнинг ўз устаси бўлади. Маъмура Содиқова ҳам ана шундай, ўз касбини чин дилдан севувчи, бор билимини, керак бўлса жонини ҳам фидо қилувчи, шифокор деган муқаддас номни оқлаб келаётган шифокорлардан. Маъмура опа 1-тоифали врач, Тошкентдаги Абу Али ибн Сино номидаги 1-клиник касалхонасининг шиддатли кардиология бўлими мудири. Аслида у ҳам фаолиятини барча тенгдошлари қатори бошлаган. Тошкент Давлат тиббиёт институтини аъло баҳолар билан тугатгач, иқтидорли Маъмурани институтнинг биохимия кафедрасида

*Ҳамшаҳарларимиз*

## ДОИМО ПАРВОНА

ассистент қилиб олиб қолишди. Беморлар билан яқиндан мулоқот қилиш, уларнинг дардига малҳам бўлиш, қолаверса олган тиббий билимларини амалда қўллаш иштиёқида кафедрадаги ўқитувчиликни давом эттирган ҳолда 1-клиник касалхонасига ишга ўтди. Дастлаб пулмонология — ўпка касалликлари бўлимида 12 йил ишлади. Кейинроқ аҳволи оғир беморлар билан реанимация бўлимида, охирги саккиз йилдан буён эса кардиология бўлимида жон куйдириб ишлаб келмоқда. Хуллас, терапиянинг барча бўлинмаларида маҳоратини ошириб, ўз касбининг устасига айланган. Шу давр ичида ўлим билан олишиб, у билан юзма-юз туриб қанчадан-қанча инсонлар ҳаёти асраб қолинди, қанчаси меҳнат қучоғига қайтди.

— Организмдаги ҳар бир аъзонинг касалланиши инсон ҳаёти учун зарарлидир. Айниқса, юрак касалликларига эҳтиёт бўлиш лозим, — дейди Маъмура опа. — Ўткир инфаркт касаллиги деярли ўн ёшга ёшарган, яъни демоқчиманки, илгарилари шу касаллик 50-70 ёшдагилар орасида кўпроқ учраса, ҳозир эса 40-60 ёшдагилар ичида юз бераётгани жуда ачинарли. Бундай касалликнинг олдини олиш учун биринчи навбатда асабни авайлаш керак. Шунинг учун ҳам одамларга қараб «Асабингизни бузманг, ўзингизни асранг», дея ҳайқиргим келади...

Шиддатли кардиология бўлимида Маъмура Содиқова билан бир қаторда Марғуба Иноғомова (реаниматолог), Нодира Умарова, Феруза Зуфарова, афғонистонлик врач Муҳаммад Зубаир Этифат каби тажрибали фидойи шифокорлар бор куч-ғайрат, билимларини сарфлаб одамлар дардига малҳам бўлмоқдалар. Шубҳасиз, бу ўринда кафедра ходимлари хизматларини алоҳида қайд этиш лозим. Кафедра мудири Жўра Собиров, Шомурод Носиров, маслаҳатчи Манзура Ҳамидова ўзларининг қимматли назарий ҳамда амалий билимларини, тажрибаларини бўлим врачлари билан ўртоқлашадилар, уларга маслаҳатлар берадилар.

Қисқаси, мен катта қалбли, эгнидаги оқ халатдек кўнгли тоза, инсофли, виждонли шифокорларимиз хизматидан бениҳоя хурсанд бўлдим. Хасталарнинг дардига малҳам, жонига оро бўладиган бундай инсонларга ҳар қанча раҳмат айтсангиз ҳам кам.

Моҳира ПЎЛАТОВА.

*Шифокор маслаҳати*

## ЎЗИДАН АСОРАТИ ХАВФЛИ

Куз фасли бошланиб ҳаво ҳарорати пасайиши билан халқ орасида, айниқса болаларда шамоллаш касаллиги ҳаммадан кўп тарқалади. Тиббиёт тилида ўткир респиратор касаллиги, яъни ўткир нафас йўллари касаллиги деб аталади. Бунда одатда респиратор йўли деб номланган юқори нафас йўллари шамоллайди. Кўпроқ бурун, томоқ ва танглай шиллиқ пардалари шикастланади. Киши хасталанганда унда аксириш, йўталиш, ютинишнинг оғир ўтиши, баъзан бўшашиш, бироз бош оғриши, ҳароратнинг кўтарилиши каби белгилар намоён бўлади. Шамоллаш гарчи гриппга қараганда камроқ даражада бўлса ҳам барибир юқумли касаллик ҳисобланади. Унинг вируси камқувват, касалликка нисбатан бадани таъсирчан бўлиб қолган кишиларга, айниқса ҳаво қаттиқ совиб кетганда касаллик тезроқ юқади.

Шамоллаш ўзи унчалик хавфли бўлмаса ҳам, лекин унинг асорати ёмон бўлади — у ангина, ўпка шамоллаши, ўрта қулоқнинг яллиғланиши, бурун катагининг яллиғланиши, буйрак касали бошланишига сабабчи бўлиши мумкин. Бошқа касалликлар сингари шамоллаш касаллигида ҳам даволашни фақат шифокор белгилайди. Агар ҳарорат кўтарилган бўлса, 2-3 кун ётиш тавсия этилади. Енгил овқатлар еб, суюқликни мумкин қадар кўпроқ ичиш, тинч ётиш, аксиришни камайтирадиган, йўтални ва бош оғриғини енгиллаштирадиган дорилар ичишни маслаҳат берилади.

Афсуски, бироз шамоллаб қолганида ўзини-ўзи даволайдиган ва ҳатто «кучли» дорилар — антибиотиклар, сульфамид препаратлари ва бошқаларни ичадиган кишилар ҳам учраб туради. Бу эса дориларнинг вирусларга таъсир қилмаслигини ва бундан ташқари турли аллергик касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Оғиз бўшлиғига алоҳида эътибор бериш керак, тишларни кунига икки мартадан тозалаб, оғиз бўшлиғини тез-тез чайиб туриш керак. Оғиз қуриганда, лаблар ёрилганда кунига бир неча марта вазелин, тузсиз сариёғ ёки ҳар қандай ўсимлик ёғи билан артиб туриш керак.

Суюқликлардан кўпроқ чой, малина ёки олча мураббоси, ўрик, шафтоли, олма ва бошқа мевалар шарбатидан кўпроқ ичиш керак. Агар бемор терласа ич кўйлаклари ва ётган жойидаги чойшаблари тез-тез алмаштирилиб турилади.

Одатда 5-7 кун ўтгандан кейин соғайиш бошланади, лекин ётиб даволаниш режимини фақат шифокор бекор қила олади. Афсуски, кўп ҳолларда шамоллаган киши ишга боради, машғулотларга қатнашади. Касалликни оёқда ўтказиш аввало атрофдаги кишилар учун хавфли. Иккинчидан, касаллик зўрайиб оғир оқибатларга олиб келиши мумкин.

Шамоллаш касаллигининг олдини олишнинг асосий ва энг ишончли йўли — бу организмнинг ҳимоя кучларини мустаҳкамлаш ва мунтазам равишда чиниқтириб боришдир.

Назира БАҲРОМОВА,
тиббиёт фанлари номзоди.

*Сўраган эдингиз*

## ТИШ ҲАМ ҲУСН

***Тишларнинг бутун ва садафдек оппоқ бўлиши киши соғломлигидан дарак бериши билан бирга уни гўзал, ёш ҳам кўрсатади.***

***Биз муштарийлардан инсон тишлари саломат, тўла-тўкис бўлиши учун нималарга эътибор бериши керак деган кўплаб саволлар оламиз. Биз ушбу ҳақда фикр-мулоҳазалар билдиришни Шайхонтоҳур туманидаги 4-тиш даволаш шифохонасининг 1-даражали жарроҳи Абдусаттор Набиевдан илтимос қилдик.***

— Тишлар касалликка дучор бўлмаслиги учун бола туғилмасдан олдин ҳомиладор аёлнинг соғлиғига эътибор бериш керак. Ўз вақтида овқатланишда ҳам гап кўп. Таомнинг таркибида дармондорилар, маъданли тузлар етарли бўлиши талаб этилади.

Бола туғилгач унинг тишлари тўғри чиқишига эътибор бериш зарур. Бунинг учун юрганда ва ухлаганда оғзини беркитиб, бурундан эркин нафас олиш лозим. Бармоғи ёки тилини сўришга рухсат берманг. Болага ёшлигидан ўз тишларини тўғри парвариш қилишни ўргатиш лозим. Уларни бир кунда икки марта — эрталаб ва кечқурун тиш пастаси ёки кукундори ёрдамида 2-3 дақиқа давомида тозалаш тавсия этилади.

Ширинликларни иложи борича камроқ истеъмол қилиш керак. Чунки меъёридан ошиғи тиш касалликларига олиб келиши мумкин.

Тишингизда доғ ёки ковак пайдо бўлса, оғриқни кутмасдан албатта стоматологга боринг.

Катта ёшдаги одамларнинг тишларида тош пайдо бўлмаслиги ва милклар яллиғланиши олдини олиш учун бир йилда икки марта шифокор — пародонтологга учрашишлари талаб этилади.

Темир, фтор, кальций моддалари одам танасида камайса ва улар яхши ўзлаштирилмаса келажакда бола тишларининг касалланиши хавфи туғилади.

Баъзи дорилар, аччиқ чой, қаҳва таъсирида мойчечак ва эман пўстлоғи дамламалари билан оғиз чайилганда тишлар сарғаяди. Бундан ташқари, ичимлик сувида фтор миқдорининг кўплигидан юзага келадиган флюроз касаллиги оқибатида ҳам шундай ҳолат юзага келади. Баъзи одамлар бундай пайтда тишларини ичимлик содаси ёки туз, водород пероксид билан тозалайдилар. Улар эмал қопламасини еб юборади.

Тишларни ўз вақтида даволамаслик овқат чайналиши, тўлиқ ва аниқ сўзлашувнинг бузилишига олиб келади. Бундан ташқари касалланган тишлар организмни кучсизлантириб, касалликларга қарши курашиш қобилиятини пасайтиради. Бу эса одам танасининг ички органларида касалликлар пайдо бўлишига олиб келади.

Дили ОРОМ.

*Билиб қўйган яхши*

## МИЯ ЗАРАРЛАНГАЧ...

Қутириш ўткир кечадиган юқумли касаллик бўлиб, марказий асаб тузилишининг оғир шикастланиши оқибатидир. Бу хасталикда қўзғалиш аломатлари ва кейинчалик эса фалажлик кузатилиб, олди олинмаса ўлим билан тугайди.

Одамлар, барча сут эмизувчи ва иссиққонли ҳайвонлар қутиришга мойил бўладилар. Аммо қутириш касаллиги билан асосан ит, мушук ва ёввойи йиртқич ҳайвонлар касалланади. Одамга бу касаллик кўпинча қутирган ҳайвон қопганда, шунингдек унинг сўлаги янги ярага ва ҳатто терининг тирналган ерига ёки кўз, бурун шиллиқ пардасига тушганида юқиши мумкин. Одам организмига тушган вирус биринчи навбатда асаб толалари бўйлаб тарқалади. Бош мия ва орқа мияга кириб олган қутириш вируси у ерда тезлик билан кўпая бошлайди ҳамда мия ҳужайраларини зарарлайди, сўлак безларигача етиб боради ва сўлак билан бирга ажрала бошлайди.

Одамда қутиришнинг яширин даври хилма-хил бўлади. 12-14 кундан то бир неча ойгача, ҳатто бир йилдан ортиқроқ давом этиши ҳам мумкин. Кўпинча касаллик ҳайвон қопгандан сўнг 3 ҳафтадан то 3 ой муддат ичида ривожланади.

Ҳайвон тишлаганда дарҳол илиқ совунли сувда жароҳатни узоқ ювиш, унга йод эритмасини қўйиб, вақтни ўтказмасдан тиббий ёрдам кўрсатишни сўраб туманлардаги санитария-эпидемиология марказларининг антирабик бўлимига мурожаат этиш керак. У ерда тиббий ходимлар ёрдамида қутиришга қарши эмланади.

Қутиришнинг олдини олиш чораларидан энг асосийси ит ва мушукларни бир йилда бир марта қутиришга қарши эмлатиб туриш керак. Шунингдек, болаларни кўча-кўйда дайдиб юрган ит-мушуклар билан ўйнашларига йўл қўймаслик зарур.

Қутириш касаллигининг олдини олиш фақат тиббиёт ходимларининггина иши бўлмай, балки милиция органлари, ветеринария ходимларининг ишига айланиши керак.

Санобар МАҚСУДОВА,
юқумли касалликлар шифокори.

*Мутахассис огоҳлантиради*

## ЭҲТИЁТ БЎЛГАН ЯХШИ

Ўта хавфли инфекциялар гуруҳига кирувчи хасталиклардан бири куйдиргидир. Ушбу хасталикнинг манбалари уй ҳайвонларидан қорамол, қўй, эчки, чўчқа ва бошқалар ҳисобланади. Касаллик бемор ҳайвонларни парваришлаш, уларни сўйиш, гўшт ва терига ишлов бериш жараёнида юқиши мумкин. Куйдирги қўзғатувчилари тупроқда бир неча ўн йилгача сақланиб қолиш хусусиятига эга. Шу туфайли касаллик тупроқ орқали ҳам одамга юқиши мумкин.

Касалликнинг яширин даври бир неча соатдан саккиз кунгача давом этади. Даставвал инфекция кирган жойда қизил доғ пайдо бўлади. Сўнгра унинг ўрнида пуфакча юзага чиқади. Кейинчалик пуфакча ярага айланади. Беморлар инфекция кирган жойда қичишиш сезадилар. Яра таркибида қон бўлганлиги туфайли у қорайиб кўринади. Яра атрофида терининг қизариши ва шишиши ҳам кузатилиб, бемор оғриқ сезмайди. Айтиб ўтилган белгилардан ташқари беморнинг тана ҳарорати кўтарилиб, у заҳарланиш аломатларини ҳам ҳис қилади. Иситма 5-7 кун мобайнида юқори даражаларда сақланиб, сўнгра бирданига меъёрига тушади. Яра аста-секин битиб бориб, 2-3 ҳафталарда унинг юзидаги қотган қисми тушиб кетади. Одатда бемор терисида битта, баъзан эса кўплаб яралар тошиши мумкин.

Баъзан касалликнинг ўпка ҳамда ичак шакллари зотилжам ва ўткир қорин кўринишлари жуда оғир кечиб, ҳатто замонавий тиббий хизмати шароитида ҳам кўпинча беморнинг ҳаётдан кўз юмиши билан тугалланиши мумкин.

Куйдирги билан хасталанган ҳамма беморлар албатта шифохона шароитида даволанишлари лозим. Даволаш мақсадида антибиотиклар ҳамда куйдиргига қарши махсус иммуноглобулин ишлатилади. Беморга заҳарланиш аломатига қарши янги қон, плазма, тузли эритмалар, юқори ва кичик молекулали суюқликлар томчилаб қуйилади.

Куйдирги касаллигига қарши курашиш ва олдини олиш тадбирларини амалга оширишда ветеринария-санитария хизмати вакилларининг салмоғи катта. Кейинги пайтларда дуч келган жойларда уй ҳайвонларини сотиш рўй бермоқда. Шу боисдан вақти-вақти билан ветеринария-санитария хизмати вакиллари бозорларда бўлиб, у ерда сотилаётган молларни назоратдан ўтказиб туришлари керак. Ҳамшаҳарларимизга эса ветеринария назоратидан ўтмаган гўшт ва гўшт маҳсулотларини истеъмол қилмасликларини маслаҳат берамиз.

Сирожиддин БОБОХЎЖАЕВ,
тиббиёт фанлари доктори.

*Ўзбек адиблари — «Оқшом» учун*

*Тоҳир МАЛИК*

## ШАЙТАНАТ

( Романнинг иккинчи китобидан парчалар )

**(Давоми. Боши газетанинг 111, 113, 114-сонларида).**

...Кумуш ўлар чоғида қайнотаси кирар эди. Кумуш, аҳволи оғир бўлса ҳам бир қўзғалар эди. У эса қилт этмай ётибди. У Кумушнинг тақдирига йиғлаган эди, унга ким йиғлайди? Шу фикр Зайнабнинг хўрлигини келтирди. Киприклари пирпираб, кўзларида ёш қалқиди. Асадбек буни кўрди. Бирданига унинг йиғлагиси келди. Ўзини ночор сезди.

«Боланг олдида қаддингни букма! Ҳамиша адл тут. Ҳамиша дадил юр. Боланг сени ерпарчин ҳолда кўрмасин. Дардга таслим бўлганингни сезмасин. Сени ҳамиша кучли деб билсин ва фахрлансин!» — мана шу ақидага қаттиқ риоя қилиб яшаётган Асадбекда қаддини букмоққа майллик сезилди. Белдан қувват, оёқдан мадор кетгандай туюлди. Аммо ожизлик ҳисси унга бир дақиқагина ҳукм ўтказди. Бир дақиқадан сўнг у аслига қайтди.

— Қизим...

Зайнаб бошини буриб, отасига қаради. Асадбек бу қарашда «Жамшид акамни нега ўлдирдингиз?» деган саволни ўқиди. Зайнаб бу саволни тилга чиқариб сўраган тақдирида ҳам жавоб ололмас эди. Кўзларда зуҳрланган саволдан қутулиш осон — нигоҳ олиб қочилса кифоя. Асадбек шундай қилди.

— Қизим... ўзингни тут. Ҳаммаси яхши бўлади, — деди. Кейин яна Зайнабга қаради.

— Нима яхши бўлади! Жамшид акамни тирилтириш қўлингиздан келадими? — деб савол берди Зайнабнинг кўзлари.

Жавоб ўрнига яна нигоҳини олиб қочди. Бу ҳолда узоқ туролмаслигини билиб, оҳиста бурилди-да, уйдан чиқди.

Зайнаб отасининг изидан қараб қолди. «Ҳаммаси яхши бўлармиш... Бир одам бекордан-бекорга ўлиб кетди. Энди нимаси яхши бўлади? Ҳа, мен ўлмай қолдим. Буларга шуниси яхши бўлди. Бир оз ўзимга келганимдан кейин эрим олиб кетади. Вужудимизни яна сохта меҳр ниқоби билан чирмаб яшайверамиз. Кейин бола туғилади... «Бола туғилганидан кейин мени ўлдиринг», дедим. «Сизга хиёнат қилдим», дедим. Ёлғон гапирдим. Нима учун ёлғон гапирдим? Ўлдирсин, дедимми? Ўлдирармикин? Ўлдира олармикин? Мендан ўлим қочди...»

Орадан кўп ўтмай ҳовлида Элчин кўринди.

Бу пайтда Асадбек Кесакполвон билан катта хонада ўтирар эди. Элчинни кўриб, Кесакполвонга «чақир уни» деган маънода қаради. Кесакполвон ҳовлига чиққунча Элчинни Манзура қаршилаб Зайнаб ётган хонага бошлади. Манзура ичкари кирмай остонада қолди. Шунда Кесакполвон «янга!» деб чақирди. Манзура қараши билан «куёвни бек чақиряпти» деган маънода имлади. У хонага қайтиб кирганида Асадбек ўрнидан туриб олган, қўллари орқасида, бошини сал эгган, қовоғи эса уюлган эди. «Куёвини кўриб, феъли айниди-ку?» деб ўйлади Кесакполвон. Асадбек туриб олгани учун у ҳам жойига бориб ўтирмади. Элчин келмасидан аввал ҳам гаплари қовушмаётган эди. Кесакполвон Асадбекнинг феълини яхши билгани учун «Нима бўлди?» деб сўраб ўтирмади. Юпатишга ҳам ҳаракат қилмади. У хўжаси бошига савдо тушганини фаҳмлади. Бундай пайтда унинг ёнида бўлмоғи шарт эканини эслатиш ортиқча. Гап гапга қовушмаса ҳам, умуман, гапирилмаса ҳам майли. Асадбекнинг ёнидан жилмайди. Асадбек соқов бўлса, у ҳам соқов, юрса юрар, ўтирса ўтирарди. Асадбекнинг жаҳли чиққанида ёки юраги сиқилганида Кесакполвон ўзини билмаганга олади. Хўжайинни гапга солиб, кўнглини юмшатишга ҳаракат қилмайди. Асадбек қадрдон аёнининг бу қилиғига кўникиб қолган, унинг сояга айланиб юриши ғашини келтирмайди. Ҳозир ҳам кўп йиллар мобайнида шаклланган бу анъана бузилмади.

Элчин кириб келганида улар катта хона ўртасида тик турган ҳолда гаплашишарди. Элчин остона ҳатлаб салом бериши билан Асадбек дарғазаб кўзларини унга қадади-да, устига тик босиб келди. Саломига алик бўлмади. Фақат:

— Жамшидда нима қасдингиз бор эди?! — деди титроқ овозда.

— Жамшидда? — Элчин Зайнабнинг гапларидан ажабланган бўлса, бу айбловдан тамом гангиди. — Нима бўлди ўзи, ҳозир эшитдим.

Гапини тугатишга улгурмасидан Асадбек уни гирибонидан олди.

— Жим юргин, деганмидим? Қасосингни олган эдинг-ку?

— Бек ака, аввал гапимни эшитинг. Ҳозир Фарғонадан келяпман, ахир.

— Ҳайдар, Шилимшиқ қандай ўлдирилганини кўрганмидинг? — деди Асадбек уни қўйиб юбормай. — Айт бунга, кўрганмидинг?

— Кўргандим.

— Жамшидни-чи?

— Кўрдим. Худди ўша дарахтга осиб, ҳалигиси кесиб ташланибди. Асадбек Элчиннинг гирибонидан қўлини олди-ю, ўша заҳоти жағига мушт туширди. Элчин гандираклаб кетди. Ўзини ўнглашга улгурмай Кесакполвоннинг тепкисини еди. Асадбек ғазаб отига миниб томоша кўрсатмаётган эди. У Жамшиднинг ўлимида чиндан ҳам Элчинни айбли деб топди. Назарида, Элчин дайдиб кетмай уйида ўтирганида, хотинига яхши қараганида бу кўргиликлар йўқ эди...

Кесакполвон эса Асадбекнинг ҳаракатини бошқача тушунди; Асадбек айбни куёвига ағдариб унинг қўл-оёғига кишан уриб олмоқчи. Бирга бўлганларидан бери кимки Асадбекдан мушт еса, Кесакполвоннинг тепкисидан ҳам бебаҳра қолмаган. Бу қилиқ одат даражасидан чиқиб, қонун мартабасига етган эди. Асадбекнинг қаҳридан чўчувчи одам унинг муштидан эмас, кўпроқ Кесакполвоннинг тепкисидан қўрқади. Ҳозир ҳам шу қонун кучга кирди. Кесакполвон калтафаҳмлик қилиб, тепаётган одами хўжасига куёв эканини ўйламади. Асадбек эса рўпарасидаги одамнинг куёви эканини унутмаган эди. Яна тепишга чоғланган Кесакполвонни нари итарди.

— Буни тепишга ҳаққинг йўқ!

Элчин тисарилиб, деворга суянди, нафаси қайтди.

— Қадамингни ўйлаб бос, бола, — деди Асадбек, унга ғазаб билан тикилиб. - Энди сал нари-бери юрадиган бўлсанг, Жамшиднинг орқасидан жўнайсан. Энди аяб ўтирмайман!

Элчин букчайган ҳолида ташқарига чиқиб, айвонда бир оз ўтирди.

Манзура куёвининг аҳволини кўриб яқинлашмоқчи бўлдию, деразадан қараб турган эрига кўзи тушиб, журъат этолмади.

Асадбекнинг берган танбеҳи Кесакполвонга ёқмади.

— Илгари бунақа демас эдинг, — деди гина билан.

— У менинг куёвим. Ҳаққинг йўқ тепишга.

— Шу гапни унинг олдида айтасанми?

— Жириллама, сенга ким қўйибди нозу фироқни.

Кесакполвон ножоиз гина қилганини тушуниб, таранг вазиятни юмшатиш йўлига ўтди.

— Унинг бўйнига илиб яхши қилдинг. Энди ўпкасини босиб олади.

— Ақлинг етмаган ишларга аралашма.

Кесакполвон индамади. Бунақа пайтда Асадбекка Чувриндини рўпара қилиш керак. У хўжасини ғазаб отидан авайлаб тушириб олади. Баъзан Асадбекнинг ўзи бу отдан қандай тушганини билмай ҳам қолади.

Қоринга бехос тушган тепкининг зарби ҳар нафас олганида ўз кучини кўрсатади — оғриқ зўрайиб, жони танасини ташлаб қочишга ҳам тайёр бўлиб қолади. Қамоқда эканида, «Ўқилон»нинг амри етиб бормай, зўрлардан бир-икки тепки еган, аммо бунчалик азоб чекмаган эди. Буниси кутилмаганда бўлгани учунми ё зарба бениҳоя кучли эдими, ҳар ҳолда букчайтириб қўйди. Оғриқ забтига оларди, у ҳатто «Бирон ерим узилиб тушди шекилли, ҳадемай қон қусиб ўлсам-а?» деб ҳам ўйлади. Бу фикр ориятни уйғотди. Орият тан азобидан кучлилик қилиб, айвонда кўп ўтиришга қўймади. Ўрнидан турди. Қаддини кўтаришга ҳаракат қилди. «Ўладиган бўлсам ҳам шу ерда, шуларнинг олдида ўлмай. Азоб чекиб жон бераётганимни кўришмасин. Ундан кўра кўчада итдай хор бўлиб ўлганим яхши...» Элчин шу фикрда дадил юрмоққа интилди. Ҳатто болохонада ўғринча қараб ўтирган йигитларга қараб, жилмайиб ҳам қўйди. Кўчага чиқиб ўттиз қадамча юргач, орқасига қаради. Ҳеч ким кузатмаётганига ишонч ҳосил қилгач, дарахтга суяниб, тин олди. Сўнг қаддини бироз эгган ҳолда яна юриб кетди. Эллик қадамлар юргач, оғриқ кучайди, кўнгли айниди. Тўхтади. Деворга суяниб ўтирди.Бошланяптими? Жон талвасаси шу бўлса керак. Чиқиб кетганим яхши бўлди. Анча юриб қўйдим шекилли?...» У келган йўлига қаради. Шунда Асадбекнинг дарвозасидан бир йигит чиққанини кўрди. Йигит ён-атрофга аланглаб олди-да, машинага ўтирди. «Арининг уяси бузилибди-ку, ким чўп суқибди?» деб ўйлади у. Хаёлидаги бу саволга жавоб топмай туриб рўпарасида машина тўхтади. Ҳайдовчи йигит ўтирган ерида чўзилиб, ён эшикни очди-да: «Акахон, ўтиринг», «Менга раҳм қилдиларми? — деб ғижинди Элчин. — Меҳрибончилигингни онангга қил... ҳе...» У ўрнидан туриб, юра бошлади. Йигит унинг қадам олишига мослаб машинани секин юргазди. Машина эшигини ёпмади. «Ўтиринг», деб бошқа лутф ҳам қилмади. Элчин бу томоша атрофдагилар учун кулги бўларини англаб, тўхтади. Йигитни сўкмоқчи эди, ўзини тийди.

**(Давоми бор)**

*Йиллар қатидаги сирлар*

## ВАЛИАҲД ҚАНИ?

***Тарихимиз саҳифалари турли сирли воқеаларга, жумбоқларга бой. Йиллар ўтгани сари уларнинг баъзилари ечилмоқда, баъзилари эса жумбоқлигича қолмоқда.***

Судлов тиббиёти бўйича билимдон бўлган бир гуруҳ француз мутахассислари яқинда 200 йилдан бери бошқотирмалигича қолиб келаётган асрорларнинг ечимига ўз ҳиссаларини қўшдилар. Ушбу жумбоқ тарихчиларга сира ҳам тинчлик бермай келаётган эди.

Буюк француз инқилобидан кейин 1792 йил январида қирол Людовик XVI, 1793 йил октябрида қиролича Мария Антуанетта қатл этилди. Уларнинг ўғли тарих тақозоси билан Людовик XVII га айланган валиаҳд Людовик — Карл Париждаги Тампль қамоқхонасининг якка кишилик камерасига қамалган эди. Уни ниҳоятда эҳтиёткорлик билан қўриқлашарди. Ҳеч кимга кўрсатишмасди, ҳеч ким билан учраштиришмасди. Бу эса ўз навбатида унинг тақдири ҳақидаги афсоналар тўқилишига сабаб бўлди.

1795 йилнинг июнь ойида қамоқхона маъмурияти шифокорларга тиббий кўрикдан ўтказиш учун бир боланинг жасадини олиб келишди. у ҳужжатлар бўйича Людовик Капет деб юритилади (Капетлар ёки Капетинглар француз қироллари сулоласидир). Лекин текширувдан озгина муддат ўтгач: «Ўлган бола чиндан ҳам валиаҳдмиди ёки уни алмаштириб қўйишганмиди?» деган шубҳали мунозаралар бошланди ва у то шу кунга қадар тингани йўқ.

Ўша пайтларда Людовик XVII ўн яшар бола эди. Шифокорлар бола суяк силидан ўлган деган хулосага келишганди. Худди шу касал билан қирол Людовик XVIнинг катта ўғли ҳам оламдан ўтган эди. Ўлган бола ким бўлишидан қатъи назар, уларнинг муқаддас Маргарита қабристонида ётган жасади тинчлик топмади. 1846 йилда қабрлар очилди ва ака-уканинг чиндан ҳам суяк силидан ўлган ёки ўлмагани текширилди. Яна эллик йил ўтгач 1894 йилда қабр яна очилди ва антропологлар майитнинг сақланиб қолган скелетлари валиаҳд Людовик XVII ники эмас, у 10 эмас, 15 яшар боланинг суяклари деган хулосага келишди. 1979 йилда эса асл валиаҳднинг суякларини топиш учун қазиш ишлари олиб борилди, лекин бу иш натижа бермади.

Ниҳоят, тўртта эксперт энг янги усуллар билан олиб борилган кенг қамровли текширув хулосаларига суянган ҳолда қатъий хулосага келдилар: антропологлар адашмаган, валиаҳд боланинг топилган скелетга ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Ушбу қатъий қарор жумбоқли бу воқеа устидаги туманларни янада қуюқлаштирди: агар скелет Людовик XVII ники бўлмаса, кимники? Ёшгина монархнинг қисмати қандай бўлган? Тирик қолган бўлса, у кимнинг номи остида яшаган? Ҳаёти қандай кечган? Авлодлари қолганми?

Бу саволларга жавоб йўқ. Ҳали-вери жавоб бўлмаса керак. Балки Франция қиролининг авлодлари тирикдир. Улар бу изланишлар оқибатини сабр-чидам билан кутаётгандир? Балки бедарак йўқолиб кетгандир. Нима бўлганда ҳам валиаҳднинг қисмати Франция тарихининг энг сирли саҳифаларидан бўлиб қолмоқда.

Тоҳир МАҲКАМОВ тайёрлаган.



## ЁШ МУСАВВИРЛАР УСТОЗИ

Болаларни ёшликдан гўзалликни севишга, табиатни қадрлашга одатлантиришда турли тўгаракларнинг хизмати катта. Айниқса, бадиий ижод, хусусан мўйқалам тўгарагининг аъзолари санъатни ниҳоятда нозик тушунишлари ҳеч кимга сир эмас. Шаҳримиздаги 28-мактабда иш олиб бораётган ёш мусаввирлар тўгараги аъзолари чизган суратларни кўрган киши бунга яна бир карра амин бўлади. Болалар ҳар қандай мавзуни ўзларининг беғубор туйғулари билан йўғириб, унга самимият бағишлайдилар.

Тўгаракка шу мактабнинг собиқ ўқувчиси, расм-чизмачилик муаллими Иззат Исаев раҳбарлик қилади.

— Тўгарак аъзолари мавзу танлаш, ҳатто унча-мунча хаёлот меваларини ҳам ифода этишга уриняптилар. Муваффақиятли чиққан ишлар ҳам талайгина, — дейди Иззат Исаев. — Ҳар йили ёш мусаввирлар ўртасида энг яхши суратлар учун танлов ўтказилиши ижобий самара беряпти. Танловда ғолиб чиққан ёш мусаввирларнинг суратларидан мактабнинг катта йўлагида кўргазма ташкил этилади.

Ёш мусаввирлар фақатгина сурат чизиш билан кифояланиб қолаётганлари йўқ. Улар Алишер Навоий, Мирзо Бобур, Нодира сингари буюк шоирларимизнинг юбилейларида паннолар ишладилар.

Мактаб ёш рассомлари келажакда яхши асарлар яратишларига тилак билдириб қоламиз.

Тоҳир ЙЎЛЧИЕВ.

*СУРАТДА: Иззат Исаев ёш рассомлар билан машғулот ўтказмоқда.*

*Равил Альбеков олган сурат.*

## ТАРИХИЙ ВОҚЕАЛАР ҲИКОЯСИ

Алишер Навоий номидаги санъат саройида Ўзбекистон ва Жазоир киносанъаткорлари томонидан суратга олинган «Буюк Турон» ва «Сўғдиёна» фильмларининг илк таништирув намойиши бўлиб ўтди. Намойиш аввалида эса фильм ижодкорлари билан қизиқарли учрашув бўлди. «Буюк Турон» фильми тарихий воқеалар ҳақида ҳикоя қилади.

Кенг зални тўлдирган томошабинларда «Сўғдиёна» тарихий фильми ҳам катта таассурот қолдирди.

Ушбу кўп қисмли тарихий кинофильмни суратга олишга «Ипак йўли» инновация тижорат банки ҳомийлик қилган.

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ.

*Билиб қўйган яхши*

## БУЙРАК ЧОЙИ НИМА?

Маълумки, кишидаги буйраклар бир неча хил касалликларга чалинади, ёхуд шамоллаш оқибатида ҳар хил оғриқлар содир бўлади. Баъзида бундай ҳолда беморлар қандай дори-дармонларни қабул қилишни билмайдилар. Аммо буйрак чойи деган ўсимлик борлигини кўпчилик ҳам билавермаса керак. Буйрак чойи оддий ўсимлик бўлиб, киши буйраги касалланганда унинг барглари дамлаб ичилади. Уни хонаки ўстириш ҳам мумкин, қаламча йўли билан кўпайтирилади.

Буйрак чойининг келиб чиқиш тарихи ўзига хос бўлиб, уни 1928 йили Индонезиянинг Ява оролида буйрак касалидан даволанишда халқ табобатида дори сифатида қабул қилинган. Ўттизинчи йилларда у аввал Голландияда, сўнг Болгария ва Германия фармакопеясида дори сифатида тасдиқланган, Ўзбекистонда бу дори 1980 йилдан буйрак чойи баргларини дамлаб ичиш тавсия этилган. У бемор оёқларида катта шишлар билан қичиши, буйракнинг ўткир ва сурункали касалликларида, танадан кераксиз суюқликларни, жумладан альбумин ва азот эритмаларини чиқариб юбориш, буйракдаги тошни кетказиш учун сийдик ҳайдовчи восита сифатида ишлатилади. Бундан ташқари у ошқозон безлари фаолиятини яхшилаб, ошқозон шираси миқдорини оширади, шу туфайли у дорини истеъмол қилган беморларнинг аксарият иштаҳаси очилиб, тез соғаяди. Ўзбекистонда буйрак чойи Ботаника боғида хонаки ҳолда қаламчалардан кўпайтирилади.

Туроб ҲАСАНОВ,
тиббиёт фанлари номзоди.

*«02» хабар беради*

## ЖИНОЯТ ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАЙДИ

• 10 сентябрь куни соат 20 да Муртазоев кўчасидаги уйлардан бирининг томидан пенсионер аёлнинг мурдаси топилди. Жиноят жойига етиб борган тартиб посбонларининг саъй-ҳаракатлари натижасида маълум бўлдики, марҳума билан бир уйда яшайдиган иш жойининг тайини йўқ эркак, дастлаб хонадон соҳибаси билан бирга обдон арақ ичишган, сўнг эса мастлик орқасида ўртада чиққан жанжал сабабли унинг боши-кўзи демай роса дўппослаган. Жароҳатларнинг зўрлигидан аёл ўлгач эса уни уйлардан бирининг томига олиб чиқиб ташлаган экан. Ҳозир қотил қўлга олинган ва унинг устидан жиноий иш очилди.

• Тунги пайт Хадра майдонида патруль-пост хизмати милиционерлари томонидан ўз қўл остидаги жойдан гилам-поёндоз ўғирлаган «Шарқ гули» ҳиссадорлик жамияти қоровули қўлга олинди.

• Кейинги пайтларда қўшниларнинг мол-мулкини ўғирлашдек ярамас одат кўпайиб бораётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз. 10 сентябрь куни ҳам ярим тунда Чилонзор-9 даҳасидаги хонадонлардан бирининг эшигини бузиб ичкарига кирган номаълум кимса телевизор ва столни ўғирлаб кетганлиги тўғрисида ички ишлар идораларига хабар беришди. Милиция ходимларининг ўз вақтида кўрган чора-тадбирлари натижасида ўғри — қўшни хонадонда турувчи, шаҳримиздаги фирмалардан бирида пайвандчи бўлиб ишловчи шахс қўлга олинди. Ўғирланган буюмлар эгасига қайтарилди.

• Соат 17 дан 30 дақиқа ўтганда ўз уйида пенсионер киши вафот этганлиги ҳақида хабар келди. Милиция ходимлари томонидан мурда қорин бўшлиғининг чап томонида 6-7 кун аввал етказилган пичоқ жароҳати излари борлиги аниқланди. Суд-тиббиёт текшируви хулосасига кўра ўлим кўкрак ва қоринга етказилган чуқур жароҳатлар натижасида юз берганлиги маълум бўлди. Сўнг аста-секин жиноят тафсилотлари очилди: пенсионер билан бирга яшовчи ҳеч қаерда ишламайдиган аёл ўртасида чиққан жанжал туфайли аёл уй эгасини пичоқлаб жуфтакни ростлаган экан. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида қотил ушланди. Тергов ҳаракатлари кетмоқда.

• 11 сентябрь куни эрталаб соат 4 да номаълум кимса Чилонзор-7 даҳасида тан жароҳати етказиш йўли билан 3-автокомбинат ҳайдовчисини қўрқитиб, унинг 200 сўм пулини олиб ғойиб бўлган. Бу ҳақда хабар келганидан сўнг милиция ходимлари зудлик билан қидирув ишларини ташкил этишди. Натижада талончи — ҳеч қаерда ишламайдиган, муқаддам судланган йигит ашёвий далиллар билан қўлга олинди. Ҳозир тергов ишлари олиб борилмоқда.

• Оқшом чоғи шаҳар ИИББ жиноят-қидирув хизмати ходимлари томонидан Ғалабанинг 40 йиллиги даҳасида махсус тезкор тадбирлар ўтказилаётган пайтда «ВАЗ-2107» русумли хусусий машинаси салонида 120 грамм марихуана гиёвандлик моддасини олиб юрган ҳеч қаерда ишламайдиган кимса ушланди. Унинг хонадони текширилганда эса бу ердан ҳам 3 килограмм марихуана моддаси чиқди. Ушбу факт юзасидан жиноий иш очилиб, тергов ҳаракатлари кетмоқда.

• Тунда «Оникс» ҳиссадорлик жамиятининг ишчиси ўз корхонаси ҳудудидан 450 сўмлик биллур идишларни ўғирлаб чиқаётганида қўриқлаш бўлими милиция ходимлари томонидан ушланди. Ўғирланган буюмлар корхонага қайтарилди.

• 12 сентябрь куни соат 14 дан 30 дақиқа ўтганида 58-автобус салонида Волгоград бекатида жиноят-қидирув ҳизмати ходимлари томонидан йўловчининг чўнтагини шипирган, босқинчилик ва товламачилик қилгани учун муқаддам судланган йигит ушланди.

• 13 сентябрь куни оқшом пайти шаҳардаги меҳмонхоналарнинг бирида Хоразм вилоятида истиқомат қилувчи, тайёрлов идорасида тайёрловчи бўлиб ишловчи шахснинг хонасидан 100 АҚШ доллари ўғирланганлиги тўғрисида хабар беришди. Жиноят жойига борган милиция ходимлари томонидан ўғирликда гумон билан брокерлик қилувчи, Наманган шаҳрининг фуқароси ушланди.

• Шу куни тунда номаълум кимса Қорақамиш даҳасидаги хонадонларнинг бирига ташқи айвон орқали кириб видеомагнитофон ва II хил бошқа қўлга илингулик буюмларни олиб жуфтакни ростлаган. Милиция ходимларининг ўз вақтида кўрган чора-тадбирлари натижасида ушбу жиноятда гумон билан ҳеч қаерда ишламайдиган ёш йигит қўлга олинди.

• 14 сентябрь куни соат 18 да номаълум кимса Бошлиқ даҳасида истиқомат қилувчи аёлнинг хонадонига кириб, уй соҳибасига тан жароҳати етказган. Сўнг эса унинг пул ҳамда сариқ металлдан ишланган тақинчоқларини олиб кўздан йўқолган. Қўриқлаш бўлими ҳамда жиноят-қидирув бошқармаси ходимларининг саъй-ҳаракатлари билан мазкур босқинчиликни Бошлиқ даҳасида истиқомат қилувчи, ҳеч қаерда ишламайдиган кимса амалга оширганлиги аниқланди ва у қўлга олинди.

• Кундуз куни номаълум кимса Лисунов даҳасидаги уйлардан бирида истиқомат қилувчи уй бекасининг хонадони эшигини бузиб ичкарига кирган ҳамда телевизор, магнитофон, ток меъёрлагич, телефон аппаратларини ўғирлаб кўздан ғойиб бўлган. Жиноят-қидирув бошқармаси ходимларининг саъй-ҳаракатлари билан ушбу жиноятни қилганликда гумон билан В. Чкалов номидаги Тошкент авиасозлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг механиги ушланди.

• Шу куни соат 17 дан 30 дақиқа ўтганида чинни заводи ёнида қўриқлаш бўлими милиционерлари томонидан завод ҳудудидан 80 та пиёла ва 12 та ликопча олиб чиқиб кетаётган ушбу корхона ишчиси қўлга олинди.

• 15 сентябрь куни соат 14 дан 30 дақиқа ўтганида «Чорсу» бозорида 100 АҚШ долларини 4150 сўмга сотган шахс милиция ходимлари томонидан ушланди.

• Соат 16 дан 30 дақиқа ўтганида Юнусобод даҳаси, 14-мавзедаги универсал дўкон бекати ёнида 96-йўналишдаги автобус салонида Тошкент авиасозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси тиббиёт-санитария қисмининг ҳамшираси ёнидан ичида 151 сўм пул бўлган ҳамённи ўғирлаган, илгари ҳам ўғирлик қилгани учун судланган кимса пойтахт ИИББ жиноят-қидирув бошқармаси ходимлари томонидан қўлга олинди.

***Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг матбуот хизмати.***

**Бош муҳаррир
Эркин ЭРНАЗАРОВ**


## МАТБААЧИЛИК КОРХОНАЛАРИНИНГ КАРВОНБОШИ

"ШАРҚ"
НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ



СИЗ БУЮРСАНГИЗ МАТБААЧИЛИК ВА БАДИИЙ БЕЗАКНИНГ ЭНГ ЮКСАК НАМУНАЛАРИДА

- КИТОБЛАР
- ПЛАКАТЛАР
- АЛЬБОМЛАР
- БУКЛЕТЛАР
- МАЪЛУМОТНОМАЛАР
- ЛОТЕРЕЯ БИЛЕТЛАРИ
- АКЦИЯЛАР
- НОМЕРЛАНГАН ДАВЛАТ ҲУЖЖАТЛАРИ (ҳаммаси ишончли ҳимояланади)
- ТАҚВИМЛАР
- ТАШРИФНОМАЛАР
- ФИРМА БЛАНКАЛАРИ
- ЁРЛИҚЛАР
- ГУВОҲНОМАЛАР
- ДИПЛОМЛАР
- АДРЕС ПАПКАЛАРИ
- ГУЛ ҚОҒОЗЛАР
- МЕБЕЛЬ УЧУН ТЕКСТУРАЛАРНИ

БУЮРТМАЧИ ЁКИ ЎЗ ХОМАШЁСИДАН ТАЙЁРЛАБ БЕРАДИ.

Бизнинг юқори малакали мутахассисларимиз - рассомлар, суратчилар, муҳаррирлар, графиклар, дизайнерлар, компьютер операторлари ғояни тайёр маҳсулотга етказгунча сиз билан ишлаб буюртмангизни сизларга маъқул бўлган кўриниш ва шаклда тайёрлаб беришади.

БИЗЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИК - ЮҚОРИ СИФАТГА КАФОЛАТДИР!

АРЗОН НАРХЛАР ВА ТЕЗ БАЖАРИЛИШИГА КАФОЛАТ БЕРАМИЗ.

*Юқорида қайд этилганларнинг кўпи концернининг тайёр маҳсулотлар омборхонасида ҳам мавжуд.*

Манзилимиз: 700083, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
**Телефонлар: 33-90-50, 33-50-75, 33-58-72, 33-20-16.**

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

### ҲУРМАТЛИ ЖАНОБИ ТАДБИРКОРЛАР!

Сизнинг қўшимча ДАРОМАДИНГИЗ ишлаб чиқариш чиқиндиларидан бўлишини хоҳлайсизми,

***МАРҲАМАТ:***

Самолёт, трактор ва автомашина шиналари; ишлатилган мой;
мойларнинг майда ушоқлари; иншоотларни тозалашдан чиққан чиқитлар; синмайдиган ойна бўлаклари; магнийли қотишмаларни эритганда тушган шлаклар; салфеткалар; артиш материаллари (мой ва клей тегиб ифлосланган); ишлатилган сайқаллаш айланалари; қумли қуюв қолиплари бўлаклари; сопол қолиплари бўлаклари; стерженли қоришмаларнинг бўлаклари; тигиллар; чўмичларнинг ишлатилган футировкаси ва кукунли бўлаклари; ўзида шлаклар ва рангли металларнинг чанглари бўлган вентиляция тизимининг чиқиндилари; оҳак чиқиндилари; арзамит чиқиндилари; диабазолли кукунлар чиқиндиси; хромнинг чиқиндилари; шиша пластикасининг бўлаклари.

***Почта жўнатмалари учун манзилгоҳ: 700000, Тошкент шаҳри, 17-абонент қутиси.***

***ОФИС: ТНИИАТ, метронинг «Чкалов» бекати, «ТАПОиЧ»га кираверишда, ички телефон: 72-58, 39-39-20.***

***Телефакс: (3712) 44-29-97, 68-03-15.***

***Телефонограммалар учун телефон: 37-12 (67-18-65).***

### ТАШКИЛОТ

умумий майдони 500 м2, жумладан зали (160 м2), зарур жиҳозлари бор овқат тайёрлайдиган хонаси (54 м2) ва ҳовлиси 180 м2 см бўлган марказий кўчаларнинг биридан кириб-чиқиш имкониятига эга бўлган бинони ошхона ёки кафе учун ижарага бериши ёки ундан биргаликда фойдаланиши мумкин.

***Телефон: 62-87-06.***

### «ТОШТЎҚИМАЧИ» ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛАЁТГАНЛАРНИ ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Сиз бизнинг корхонада ип йигирувчи, тўқувчи, ип ўраш машиналарининг операторлари, пиликлаш машиналарининг операторлари, ип пишитиш машиналарининг операторлари, уста ёрдамчилари, токарлар, фрезерчилар ва бошқа касблар бўйича ишлашингиз мумкин.

Корхона ишчиларининг ўртача маоши 1500 сўмни, асосий касб эгаларининг иш ҳақи 2000 сўмни ва ундан юқори маошни ташкил қилади.

Бизнинг шохобчаларимиз

**АКМАЛ ИКРОМОВ ТУМАНИДА**

(Фарҳод кўчаси, 31-уй) ва СОБИР РАҲИМОВ ТУМАНИДА (Қорақамиш 1/4, Наби Ҳасанов кўчаси, 19-уй) ЖОЙЛАШГАН.

***«ТОШТЎҚИМАЧИ» ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ХОДИМЛАР БЎЛИМИГА (Яккасарой тумани, Қушбеги кўчаси, 6-уй) МУРОЖААТ ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН) 33, 34, 45, 69, 182, 2, 94, 57, 38, 58-автобуслар; 15, 13, 16, 6-троллейбуслар; 7, 9, 24, 4-трамвайлар қатнайди).***

***Телефонлар: 53-97-58, 53-23-73, 55-44-85, 55-44-96.***

### 3-ТРАМВАЙ-ТРОЛЛЕЙБУС САРОЙИ ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Трамвай ҳайдовчилари, ойлик иш ҳақи — 2.750 сўм.
Троллейбус ҳайдовчилари ойлик иш ҳақи — 3.200 сўм.
Ҳаракат таркиби таъмири бўйича электрчи-чилангар, ойлик иш ҳақи — 1.500 сўм.
Трамвай-троллейбус ҳайдовчилари мутахассислигини эгалламоқчи бўлган 20 ёшдан ошганлар 23-ТБЮга ўқишга киришлари мумкин.
Троллейбус ҳайдовчиси касбига — 6 ой.
Трамвай ҳайдовчиси касбига — 5 ой ўқилади.
Ойига стипендия 517 сўм тўланади.

**БИЗНИНГ ИМТИЁЗЛАР:**

— шаҳар электр транспортида юриш бепул;
— 13 ва 14-маошлар;
— самарали хизмати учун қўшимча таътил.

***Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Темур Малик кўчаси, 3«а» уй (18, 9-троллейбуслар, 6, 13-трамвайлар, 17, 71, 83, 96, 112-автобусларнинг «Чимён» дўкони бекати).***

***ТЕЛЕФОНЛАР: 63-28-97 — сарой ходимлар бўлими, 63-38-93 —23-ТБЮ.***



Тошкент оқшоми

**Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги**

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида рўйхатга олинган. Рўйхат сони ~ 10.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, ГСП, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Телефонлар: хатлар ~ 33-29-70; эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича ~ 33-81-42

*Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва тўғрилиги учун жавобгарлик уларни берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир.*

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки "Тошкент почтаси" шаҳар почта корхонасининг фойдаланиш бўлимига ~ 33-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Ҳажми ~ 2 босма табоқ. Офсет усулда чоп этилади. Қоғоз бичими - А-2. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Нашр кўрсаткичи - 64690.

*"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.*

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Буюртма Г—0441 •Босмага бериш вақти 11.30. 1 2 3 4 5 6.